



“Остона” лингвомаданий бирликларининг лексик таҳлили
(саид аҳмаднинг “жимжитлик” романи мисолида)

С. Х. Махмудова
БухДУ таянч докторанти

Бизга маълумки, инсон ва инсоният учун муҳим ҳисобланган барча нарсалар, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, анъана ва урф-одатлар миллий қадриятларимиз асосини ташкил этади. Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг қадриятлар тўғрисидаги қарашлари ўзгариб боради. Олам, табиат ва жамиятнинг энг муҳим томонларини, қонун қоидаларни, алоқадорликни ифодалайдиган қадриятлар умумбашарий хусусиятга эга. Бундай аҳамиятга эга абадий қадриятлар муайян бир элат, миллат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, маънавияти, урф-одати, анъаналари, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқдир.

Шунингдек, барча миллат, элат фуқароларининг эзгулик сари интилиши юқорида айтилган ҳаёт учун зарурий ҳолатларни талаб қилади.

Бундай эркинлик, хусусан, учинчи ренессанс остонаси учун муҳим ҳисобланади. Бунинг учун тинч, осойишта, фаровон Ватан бўлиши шарт. Фақатгина тинчлик ҳукмрон бўлган давлатлардагина эркинлик ва эркин ҳаёт бўлади.

Юқорида келтирилган назарий маълумотларни амалий таҳлиliga тўхталишдан олдин, шуни эътироф этиш керакки, лингвистик илмий тадқиқотларнинг деярли барчаси адабиёт билан чамбарчас боғлиқ ва бу асарларда миллий қадриятларимизнинг ифодасини кўришимиз мумкин. Шу боис таҳлил учун танланган илмий асарларни лингвомаданий йўналишда кўриб ўтамыз. Мавзумиз номида эътироф этилган “остона” лингвомаданий бирлиги Ватан тушунчасининг ажралмас бир қисмидир. Шу нуқтаи назардан адиб Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик” романидан олинган “остона” лингвомаданий бирликларининг лексик таҳлилини келтирамыз.

“Бечора Рисолатнинг шу биттагина неварасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Толиб болам, маракага ўзинг бош бўл. Ҳой Зайнаб югур, қўни-қўшинини чақир. Юртга хабар қилишсин. Ўлим қурсин, ўлимгина қурсин, шунақа бемаҳалда, бемаврид келади. Қоқилганнинг остонасидан ўтади. Қоқилганни қоқиб йиқитади. Шўргинанг қурғур Рисолатнинг кўрган куни озмиди...”

Бодомгул жонига қасд қилганини эшитган Рисолат бувининг сўзлари, унинг охириги мисраларида тил ва маданият бирлиги бўлган “остона” сўзи ишлатилган. “Қоқилганнинг остонасидан ўтади”. Остона сўзининг бирикмаси бўлган “қоқилмоқ” сўзида матний маъно қуйидагича мазмунга эга: қоқилган-юриб кетаётганда бирор нарсага қоқилиб йиқилмоқ, умуман йиқилган, аммо, матний маъноси хато қилган, тузатиб бўлмайдиган хато маъносида ишлатилган. Яъни оилали бўла туриб, бошқалар билан дон олишган, шунингдек, остона сўзи хонадон маъносини англатиб келган. Шу хонадонга хиёнат қилди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, “қоқилган” сўзининг маъноси хиёнат эмас. Асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда бу хато ҳисобланади, аммо кечирилмас хато. Умуман олганда, “остона” мазкур матнда қуйидаги маънога эга: хонадоннинг остонаси, хонадон, оила яшаш жойи, Ватани. Жумладан, ўйламасдан, кечириб бўлмас, хато қилганнинг уйига фожиа ўлим келади. Бу хато фақатгина ўзига кулфат, балки, ягона фарзанди, ўғлининг бошига оғир кунларни солди.



Асардан олинган кейинги парча миллатимизнинг маданий қадриятларини, ундаги одамийликни зангори ойнадек очиб берган. Унинг етакчи мавзуси кечиримли бўлиш (Ислом динида ҳатто яратган ҳам кечирувчидир). Қаранг:

“Кампир энди унинг муздек совиб қолган пешонасига лаб тегизди. Пайваста қошларини силади. Кейин қалтираб турган бармоқлари билан унинг бетига кафан учини ёпди.

Капалак кийган келади, кафан кийган кетади, - дея пичирлади кампир. – Капалак кийиб келгандинг, болам. Энди кафан кийиб кетяпсан. Асли бу кафан менга аталган эди. Нима қилай, бу жон ўлгур чиқавермаса. Гуноҳларингни гарданимга олдим, болам. Кафанимни сенга бердим. Покиза танга аталган кафанимни бердим. Тинч ёт, болам. Орқангдан ҳеч ким тош отмайди. Бирон оғиз ёмон гап айтмайди. Кўзим тирик экан, сени ёмонотлик қилмайман. Тонг саҳарларда тиловат қилиб гуноҳларингни сўраб оламан. Болам, мени қарғама. Мендан рози бўлиб кет. Равшанбеккинамнинг жасади топилса, ёнгинангга ётқизаман. Бирга бўласизлар”.

Кичкина бир матнда қатор лингвомаданий сўз ва сўз бирикмалари ишлатилган. Лингвомаданий бирликларни таҳлил қилишда икки йўналиш асосий ҳисобланади. Биринчиси, лингвистик таҳлил айнан лексик, иккинчиси, маданият нуқтаи назаридан таҳлилдир. Матнда қуйидаги сўз бирикмалари иштирок этган: *Пешонасига лаб тегизди, пайваста қошлар, капалак кийган, кафан кийган, “Капалак кийган келади, кафан кийган кетади”, қандоқ қилай, жон ўлгур чиқавермаса, гуноҳларингни гарданимга (бўйнимга) олдим, ҳур гилмонларга қўшилиб кет, тош отмоқ, кўзим тирик*. Шунингдек, “лаб тегизди” сўз бирикмаси айнан шу матнда, “пешонасидан ўпди” маъносини ҳам англатади. Лаб – барча нутқ услубларида ишлатиладиган умумнотқ сўзи. Аммо келинининг кечириб бўлмас гуноҳларини эслаб, кампир фақатгина лаб тегизди, лекин, ўпмади. Шунга қарамасдан у келинини кечирди. Шу боис майитанинг пайваста қошларини силади. Пайваста – доимий, узлуксиз; бириккан, қўшилган. Ўзаро боғланган, туташган. Ҳодиржон пайваста қошларини чимирганча аниқ жавоб кутарди. Ҳ.Назир, Сайланма. Узун-узун, қора, пайваста Киприклари титрар, қалтирар.

Матндаги кейинги жумла ҳам Равшанбек онасининг нутқига тегишли бўлиб, халқ мақолидан олинган. “Капалак кийган келади, кафан кийган кетади” яъни, капалак ғумбакка ўралган ҳолда дунёга келади, яна шу ғумбак ҳолатида кетади. Инсон эса бундан фарқли ўлароқ (кийимсиз дунёга келади, аммо, кафан кийиб кетади). Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, кафан фақатгина ислом динига хос бўлиб, дафн маросимида ишлатилади, чунки маитани кафансиз қабрга қўйиш мумкин эмас. Ҳаттоки, жуда оғир, иложсиз ҳолатда ҳам бу удумга риоя қилишади.

Матнда келтирилган ҳар бир мисра инсоннинг энг улуғ фазилати бўлган кечиримлилик хислатига бағишланган. Эътибор беринг: “Капалак кийиб келгандинг болам, энди кафан кийиб кетяпсан” (келин эмас, болам деб атаяпти). Шунингдек, “асли бу кафан менга аталган эди”, “гуноҳларингни гарданимга олдим болам”. Қайнона олдида гуноҳқор бўлган келинни тинмай болам дерди.

Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, келтирилган турғун бирикма кампирнинг келини Бодомгулга нисбатан ишлатилган бўлиб, унинг шу хонадон остонасига қадам қўйган вақтидаги ташқи кўриниши фаришта капалакдек, фаришта қиз бўлиб келди-ю кафан кийиб кетди. Бу ҳикматли тил бирлигининг кенг маъносини тушуниш учун Бодомгулнинг остонага қадам қўйган, янги келин бўлиб тушган пайтидаги тасвирида ишлатилган лингвомаданий тил бирликларининг вафотидан кейинги тасвири билан ҳамнафас эканлиги намоён бўлади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам қошлар тасвири (қошлари зулукдек қотган) ифодаданган.



Ёзувчи қандай воқеа ва ҳодисаларни тасвирлашга ҳаракат қилса, унинг асарларида ҳам худди мана шу воқеа ва ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар, тил элементларининг кўпроқ қўлланиши табиийдир.

Ёзувчининг индивидуал сўз ижод этиши ва қўллаши тилдаги мавжуд усул ва имкониятлардан моҳирона фойдаланиши натижасидир. Умумхалқ тили эса ҳар бир санъаткорнинг ижодига индивидуал ранг берадиган усулларга жуда бой”¹.

Бу борада Саид Аҳмаднинг услуби ўзига хос, умумхалқ тилига мос, жумлалар ишлатишда тенгсиздир. Бу бирликларнинг оддий сўзлардан фарқи ўзида икки хил маънони мужассамлаштиришидир. Бирнчиси, лексик бўлса, иккинчиси, маданиятимизга хос қадриятларни ифодалайди. Таҳлил қилинган ҳар бир лингвوماданий бирликларнинг ички маъноси сўзларнинг қай ҳолатда ишлатилишига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саид Аҳмад Жимжитлик: (Роман). – Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -148 б.
2. А.Шомаксудов, И. Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамов Ўзбек тили стилистикаси Тошкент.: Ўқитувчи, 1983 -33 б.
3. Воробьев, В.В. Лингвокультурология: Теория и методы / В.В. Воробьев. - М.: РУДН, 2008. - 340 с.
4. Расулов, З. И. (2011). Синтаксический эллипсис как проявление экономии языка): автореферат дисс.. кандидата филологических наук/Расулов Зубайдулло Изомович.- Самарканд, 2011.-27 с.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=BMFYyZIAAAAJ&citation_for_view=BMFYyZIAAAAJ:UeHWp8X0CEIC
5. Saidova, M. U. (2019). Lexical Stylistic Devices and Literary Terms of Figurative Language. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN, 2277-3878. <https://www.ijrte.org/wp-content/uploads/papers/v8i3S/C10541083S19.pdf>.

¹ А.Шомаксудов, И. Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамов Ўзбек тили стилистикаси Тошкент.: Ўқитувчи, 1983 -33 б.